

### III. ХИСОБ-КИТОБ КИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1. «Харидор» товар учун олдиндан етказиб берилаётган товар, махсулот (курсатилган хизмат нинг 30 фоизи микдорида пул маблағини олдиндан утказиш йули билан туловни амалга оширади ва махсулот тулик етказиб берилгандан сунг белгиланган муддатда колган 70 фоиз туловни амалга оширади.

3.2. Товарлар «Сотувчи»нинг транспортида етказиб берилганда транспорт харажати узаро келишилган холда кушимча белгиланади.

### IV. ТОВАР ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ.

4.1. «Сотувчи» мазкур шартнома конуний кучга киргандан сунг товарни \_\_\_\_\_ муудлат ичида «Харидор» га етказиб бериши шарт.

*уз кун*  
(товар етказиб бериш муудлати)

### V. ТОВАР СИФАТИ

5.1. Етказиб берилаётган товар ёки махсулотларнинг сифати белгиланган стандартларга (мувофиклик сертификати), ишлаб чиқариш меъёрий хужжатлар ва «Харидорнинг» талабларига мос келиши шарт.

### VI. ТОМОНЛАР МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. «Сотувчи» мажбуриятлари:

- шартномада курсатилган талабларга риоя қилган холда уз вақтида «Харидор» га товарни етказиб бериш;
- шартноманинг шартлари «Харидор» томонидан бузилганда берилган махсулотни қайтариб олиб қуйиш ҳуқуқига эга;

- Тегишли даражада сифатли махсулот юборилмаганлиги тугрисида билдиришнома олгандан сунг, сфатли булмаган мол-мулкни 10 кун ичида алмаштириб бериш ёки Ушбу шартноманинг 2- бандига асосан сифатли булмаган мол-мулк баҳосини қайтариб бериш.

- «Сотувчи» етказиб берган махсулотларни ҳисоб-варақларда тулик ва аниқ номини, махсулот навини, категориясини ва бошқа курсаткичларни курсатиши шарт. Шунингдек, ҳисоб-варақларни белгиланган тартибда рақамлаб, тулик реквизитларни расмийлаштириш лозим.

6.2. «Харидор» нинг мажбуриятлари:

- «Харидор» шартномада белгиланган талабларда риоя қилган холда туловларни амалга ошириш, товарни далолатнома тузиб Ушбу шартномада ва конун хужжатларида белгиланган бутлаш тартибида, сонига сифатига қараб уз вақтида махсулотни қабул қилиб олиши лозим.

- Тегишли даражада сифатли булмаган мол-мулк келиб тушганлиги аниқлангандан сунг, Ушбу тугрисида тегишли далолатнома тузилиб бу ҳақида 3 кун ичида «Сотувчи» ни огоҳлантириш.

- Тулик расмийлаштирилмаган ҳамда махсулотнинг сифати нави ва категориялари курсатилмаган ҳисоб-варақлар буйича туловлар амалга оширилишига йул қуйилмайди.

### VII. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

7.1. Ушбу шартнома буйича мажбуриятларини ижро этилмаслиги ёки лозим даражада Бажарилмаганлиги учун томонлар Ўзбекистон Республикаси Конунчилигида шунингдек Ушбу шартномада назарда тутилган талаблар асосида жавобгардирлар.

7.2. «Сотувчи» томонидан «Харидорга» товар ва махсулотларни белгиланган муудатларда етказиб бермаганлиги учун кечиктирилган ҳар бир кун учун етказиб берилмаган махсулот қийматининг 0.5 % микдорида «Харидор» га пеня тулайди, лекин пеня микдори кечиктирилган махсулот қийматининг 50 % дан ошмаслиги керак.

7.3. Шартнома талабларида курсатилган белгиланган сифатлардаги ҳамда бутлашдаги мол-мулк етказиб берилмаган тақдирда, айбдор тараф Ушбу махсулот қийматининг 20 % микдорида жарима тулашига сабаб булади.

7.4. «Харидор» томонидан олинган товар ёки махсулот учун туловлар уз вақтида амалга оширилмаган тақдирда кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган сумманинг 0.4 % микдорда «Сотувчи» га пеня тулайди, бунда пенянинг умумий микдори кечиктирилган сумманинг 50 % дан ошмаслиги лозим.

7.5. Назорат органлари томонидан утказилган текшириш давомида етказиб берилган товар ёки махсулотлар нархи юқори деб топилган тақдирда уртадаги фарқ етказиб берувчи томонидан қопланади.